DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7631825 Pages: 294-300



WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



МАМЛАКАТИМИЗДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Мухлиса Жумаева
ТДИУ таянч докторанти
Телефон: +998945154664
e-mail: muxlisa.rahmatova.88@mail.ru

Калит сўзлар. кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, гендер сиёсати, аёллар тадбиркорлиги, якка тартибдаги тадбиркор, тадбиркорлик муҳити.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон иқтисодиётида аёллар ўрнини ошириш ва кичик тадбиркорликда хотин-қизлар фаолиятини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган. Бунда мамлакатда олиб борилаётган гендер сиёсати ва ЯТТ сифатида бизнес юритаётган аёл аҳоли вакилларининг фаолият йўналишларига алоҳида тўхталиб ўтилган ҳамда зарурий таклифлар берилган.

TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF WOMEN'S ENTREPRENEURSHIP IN UZBEKISTAN

Keyword: small business and private entrepreneurship, gender policy, women's entrepreneurship, individual entrepreneur, business environment

Abstract: The article examines the issues of increasing the position of women in the economy of Uzbekistan and developing women’s engagement in small business. In this, current gender policy in the country and the directions of the activities of the female entrepreneurs running businesses as YTT(individual entrepreneurs) were specifically discussed, and necessary suggestions were made.

Keyword: small business and private entrepreneurship, gender policy, women's entrepreneurship, individual entrepreneur, business environment

ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ЖЕНСКОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

Ключевое слово: малый бизнес и частное предпринимательство, гендерная политика, женское предпринимательство, индивидуальный предприниматель, бизнес-среда

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы повышения роль женщин в экономике Узбекистана и развития участия женщин в малом бизнесе. В том числе обсуждалась текущая гендерная политика в стране и направления деятельности женщин-предпринимателей, ведущих бизнес в качестве индивидуальных предпринимателей, и вносились необходимые предложения.

Маълумки, Ўзбекистон аёллар ва эркаклар ўртасида иқтисодий-сиёсий имкониятларга етишишда дисбаланс мавжуд бўлган мамлакат дея халқаро баҳо берилади. Бу ҳолат миллий-диний анъаналар натижаси бўлиб, ҳозирда гендер тенглигини таъминлашда ғарбий тушунчаларни тўғридан-тўғри кўчирмасдан ўзбекона ва олийжаноб гендер тенглигини таъминлаш бўйича давлат сиёсати олиб борилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг 1979 йил 18 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиши ҳақида”ги 87-И-сонли қарори, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги 760-И-сон қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-сонли қарори, 2022 йил 7 мартдаги ”Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–87-сонли Фармони ва шуларга ўхшаш яна бир қатор қонун ҳужжатлари ҳал қилувчи роль ўйнаяпти[8].

Бу каби чора-тадбирлар натижасида мамлакатдаги статистик маълумотларни юритиш тизимида ҳам ислоҳотлар бўлди ва аёлларга тегишли кўплаб кўрсаткичлар эълон қилина бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сонли Фармони билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика Комиссияси томонидан тавсия этилган минимал гендер кўрсаткичлари ва бошқа маълумотлар «gender.stat.uz» веб-сайтига жойлаштириб борилиши таъминланди. Жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобини юритишда 2017 йилдан бошланган статистик маълумотлар мавжудлиги боис, ЯТТ

аёлларнинг қайси йўналишларда фаолият юритаётганлари ҳақидаги маълумотларга эга бўла олдик.


1-жадвал. Давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркор аёллар сони, фаолият турлари бўйича*

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Жами	**69 756**	**75 295**	**81 703**	**85 634**
шу жумладан, фаолият турлари бўйича:				
чакана савдо фаолияти юритувчилар	31 510	34 308	35 877	39 556
қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхат бўйича ҳунармандчилик фаолияти	15 845	18 207	20 632	8 060
халқ истеъмол молларини ишлаб чиқарувчилар	11 691	9 759	11 059	-
маиший хизмат соҳасида фаолият юритувчилар	3 235	3 717	4 212	6 736
бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчилар	7 475	9 304	9 923	31 282
шундан:				
аҳоли учун турар ва нотурар жойларни таъмирлаш бўйича хизматлар	35	22	25	12
транспорт соҳасида фаолият юритувчилар	296	262	297	110

** Давлат солиқ қўмитаси маълумоти, URL: gender.stat.uz*

1-жадвал маълумотларига кўра, Давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркор аёллар сони 2018 йилда қарийб 70минг, 2019 йилда 75минг 295 нафар, 2020 ва 2021 йилларда мос равишда 81703 ва 85634 нафар тадбиркорни ташкил этди. Бунда чакана савдо фаолияти энг кўп сонли ЯТТларга тегишли фаолият тури бўлди. 2021 йилда деярли 40 минг нафар якка тартибдаги тадбиркор аёллар ушбу фаолият эгаси сифатида рўйхатдан ўтган. Шунингдек, 2021 йил давомида ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркор сифатида 8060 та ва маиший хизмат соҳасида 6736 та аёллар юритадиган якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти қайд этилган.

2021 йилда Давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор аёллар сонини ҳудудлар кесимида кўриб чиққанда эса, қуйидагилар маълум бўлди:



1-расм. 2021 йилда Давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор аёллар сони, ҳудудлар кесимида**

** www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Таҳлил даврида Самарқанд вилояти бу шаклда иш бошлаган тадбиркор аёлларнинг 12 фоизи жойлашганлиги билан биринчиликда турибди ва улар 10464 нафардир. Тошкет вилоятида эса 2021 йилда 9440 та аёл ЯТТ ўз фаолиятини бошлаб, мамлакат бўйича 11% қамровни банд қилган. Шунингдек, мазкур даврда Тошкент шаҳрида ҳам 8949 нафар янги якка тартибдаги тадбиркор аёллар рўйхатдан ўтиб, улар Ўзбекистон миқёсидаги кўрсаткичнинг 10дан 1 қисмини ташкил қилди. Бундан ташқари Жиззах, Навоий ва Сирдарё вилоятлари мазкур рақамларда мамлакатда энг кам улушга эга эканини айтиш мумкин.

Ҳозирда бу ва бошқа турдаги бизнес юритаётган аёлларни қўллаб қувватлаш ва провардида гендер фарқларини камайтириш учун Аёлларни қўллаб-қувватлаш республика ва вилоят жамғармалари ҳисобидан 3 йилгача ва 6 ойгача имтиёзли давр билан йиллик 14 фоиз ставкада 33 миллион сўмгача кредитлар ажратилиши белгиланди[9]. Кредитлар қуйидаги дастурларни муваффақиятли тугатган хотин-қизларга берилади:

- Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ва Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби маъқулланган дастурлар асосидаги ўқув курслари;

- «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, маҳаллалардаги касб-ҳунарга ўқитиш масканлари ва Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ёки нодавлат таълим муассасаларининг касбга ўргатиш ўқув курсларининг махсус ўқитиш дастурлари.

Хулоса

Умуман олганда, Ўзбекистонда яқин йилларда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича ижобий натижаларга эришилмоқда. Келажакда эса аёллар тадбиркорлигини янги поғоналарга кўтариш учун тадбиркор хотин-қизларга ўсиш имкониятларини яратиб берувчи умумий қулай муҳит керак. Буларга қуйидагилар киради:

қулай сиёсий, ижтимоий ва макроиқтисодий барқарорлик;

моддий инфратузилма;

самарали молия тизими;

рақобатбардош бозор;

хусусий сектордаги ўзгаришлар;

тегишли ҳуқуқий база;

қўллаб-кувватловчи сиёсат;

ресурслар ва қўллаб-кувватлаш хизматларидан фойдаланиш имконининг яқинлиги(қўл етимлилиги).

Бу йўналишдаги чора-тадбирлар аҳолининг турмуши яхшиланишига, гендер тенглиги таъминланишига ва албатта, тараққиётнинг жадаллашишига улкан хисса қўшади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР / REFERENCES / ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

[1]. World Bank. 2020. Women, Business and the Law 2020. Washington, DC: World Bank. © World Bank. https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/32639 License: CC BY 3.0 IGO.

[2]. GEM Report. Women’s Entrepreneurship 2020/21: Thriving Through Crisis. 15p.

[3]. URL: https://review.uz/oz/post/shavkat-mirziyoyev-raisligida-xotin-qizlarni-qollab-quvvatlashga-bagishlangan-yigilishda-ayollar-uchun-qanday-engilliklar-kiritildi

[4]. McKinsey Global Institute The power of parity: How advancing women’s equality can add $12 trillion to global growth. Mckinsey.com. URL: https://www.mckinsey.com/featured-insights/employment-and-growth/how-advancing-womens-equality-can-add-12-trillion-to-global-growth

[5]. URL: https://genderdata.worldbank.org/topics/entrepreneurship

[6]. Уткина Н.Ю. Объективные и субъективные факторы развития женского предпринимательства в России // Женщина в российском обществе. 2017. № 1 (82). С. 18

[7]. Абриталина, А.С. Женское предпринимательство: социально-экономические мотивации и факторы: диссертация ... кандидата социологических наук: 22.00.03. - Саратов, 2006. - 153 с.

[8]. www.lex.uz Қонунчилик базаси

[9]. URL: https://lex.uz/docs/5320582

[10]. www.stat.uz